

## БЎЛДИ ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР...

*“Ҳангома”нинг энг каттаси 2002 йилнинг 17 ва 26 декабрида ўтказилган умумий мажлисда рўй берди. 17 декабр куни чақирилган умумий йиғилишдаги тортишув роппароса 4 соат давом этди. Лекин акциядорлар бир қарорга келишолмагач, уни 26 декабрда ўтказишга келишиб олишди.*

2 -бет

## МОСКВА НАТОдан НЕГА НОРОЗИ?

GLOBUS international life

*Бу фикрларни Қўшма Штатларнинг собиқ президенти Жимми Картер даврида президентнинг хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиб фаолият юритган Збигнев Бжезинский ҳам таъкидлаб ўтади: “Европа сарҳадларининг ҳар бир кенгайиши бу АҚШнинг таъсир доирасини тўғридан-тўғри кенгайтиради. Ва, аксинча, трансатлантик алоқаларнинг (яъни НАТО алоқалари) мустаҳкамлигига путур етса, АҚШнинг Евроосиёдаги устунлиги ўз-ўзидан йўқолади”.*

3 -бет



## ТОЛСТОЙ ФОЖИАСИ

*Орадан ўн бир кун ўтгач, унинг музлаган жасади овлоқ жойдаги темир йўл бекатидан топилади. Кейинроқ аниқланишича, у ўпка шамоллашидан вафот этган ва ўлимидан аввал: “Хотинимни менинг олдимга қўйманглар”, дея васият қолдирган эди.*

4 -бет

Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№5 (311) 2003-yil 5-fevral

«Хуррият» сизники,
Сиз ХУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.

**ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ**

1 АҚШ $ — 960,47 сўм

1 ЕВРО — 1032,51 сўм

✓ Конференция

# РОССИЯ ОАВ САБОҚЛАРИ

***миллий матбуотимизга асқотиши мумкин***

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Интерньюс-Ўзбекистон” билан ҳамкорликда “Журналист ва ҳуқуқ” мавзуида конференция бўлиб ўтди. Тошкент ва республикамиз вилоятларида фаолият юритаётган журналистлар, мустақил телевидениелар раҳбарлари иштирок этган ушбу анжуманда Россия Журналистлар уюшмаси Экстремал журналистика маркази юристи Борис Пантелеев иштирок этиб, Россия матбуотининг мустақиллик давридаги фаолияти, қабул қилинган қонунлар, дуч келинаётган муаммолар ҳамда сабоқлар хусусида сўзлади.

Маълум бўлишича, Россия ОАВ фаолиятидаги бошбошдоқлик, қонунларга риоя қилмаслик, манфаатларга очиқдан очиқ хизмат қилиш жамият аъзоларида журналистга нисбатан салбий муносабат шаклланишига олиб келган. Ҳатто яқинда ўтказилган тадқиқотларнинг бирида сўралганларнинг 57 фоизи ОАВ фаолиятида илгаригидек цензурага йўл қўйилишини ёқлаб фикр билдирганлар. Шуниси ажабланарлики, Россия аҳолисининг 80 фоизи суд амалиётида ўлим жазосини қўллашни ёқлаб фикр билдирган. Бироқ ҳар икки ҳолатда ҳам давлат, ҳукумат жамоатчиликка нисбатан прогрессивроқ позицияда турди: цензурани тиклашдан тийилди, ўлим жазосига нисбатан мораторий эълон қилди. Бу жамият тараққиёти манфаатлари йўлида қилинган ишлардир.

Ўтган даврда таҳририятнинг мулкий шакли ноаниқлиги, ходим билан маъмурият ўртасидаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг рисоладагидек эмаслиги сабаб ҳам Россия матбуоти талай низоли вазиятларни бошдан кечирдики, бу борадаги сабоқларни инобатга олиш, ҳуқуқ ва бурч мутаносиблигига эришиш ўзбек миллий матбуоти учун фойдадан холи бўлмайди.

Конференция иштирокчилари “Интерньюс-Ўзбекистон” юристи Карим Баҳриевнинг ўзбек матбуотининг ҳуқуқий асослари, демократияни тушунишдаги талқинлар, қонунларимиз ва халқаро ҳуқуқ мавзуига бағишланган чиқишини ҳам тинглади-лар.

Журналистлар бирдамлиги, журналист этикаси кодексини қабул қилиш, суд ва ОАВ, ҳукумат ва матбуот ўртасидаги муносабатлар юзасидан ҳам қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

✓ ММMда

# Халқ саломатлиги учун

Бир неча йиллардан буён мамлакатимизда самарали фаолият олиб бораётган “Каунтерпарт Ўзбекистон” ҳамда “Здравплюс” ташкилотлари ҳамкорликда халқ саломатлигини яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимида юзага келаётган баъзи муаммолар ечимини топишга қаратилган “Соғлом ҳамжамиятлар” деб номланган янги уч йиллик грант дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастур халқаро ривожланиш бўйича АҚШ Агентлиги (ЮСАИД) томонидан молиялаштирилган бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоа ташкилотлари, шу билан бирга, жамоа гуруҳлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳам хизмат қилади.

Грант дастури доирасида **жамоалар ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун** ва **соғлиқни сақлаш учун** каби грантнинг икки тури таклиф этилади.

Жамоалар ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган грант ҳамжамиятнинг аниқ белгиланган тиббий муаммоларини манзилли равишда ҳал қилиш учун сарфланса, соғлиқни сақлаш учун ажратилган грант ҳамжамиятда бошланғич тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) ходимлари билан биргаликда тиббиёт соҳасига оид турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этишга мўлжалланган.

Ҳар икки турдаги грантнинг энг катта миқдори 5 миллион сўмдан иборат бўлиб, “Каунтерпарт Ўзбекистон” ва “Здравплюс” ташкилотлари танлов асосида грант олувчилар учун ўқув машғулотларини ўтказади ҳамда уларга кўмак беради.

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Соғлом ҳамжамиятлар” грантлар дастури фаолияти бошланишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда мазкур грант асосчилари билан биргаликда халқаро ривожланиш бўйича АҚШ Агентлиги (ЮСАИД)нинг Ўзбекистондаги вакили Жим Гоггин ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этиб, ушбу янги грант доирасида фикр алмашдилар.

**Ўз мухбиримиз**

✓ Сана

## 9 февраль — ҳазрат Алишер НАВОИЙ таваллуд топган кун

# Ғазал

*Жонға чун дермен: не эрди ўлмаким кайфияти?*
*Дерки, боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати.*

*Жисмдин сўрсамки, бу ваъзингға не эрди сабаб?*
*Дер: анга бўлди сабаб ўтлиғ бағирнинг хирқати.*

*Чун бағирдин сўрдум, айтур: андин ўт тушти манга,*
*Ким кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати.*

*Кўнглума қилсам ғазаб, айтурки, кўздиндур гунаҳ,*
*Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг туҳмати.*

*Кўзга чун дерменки, эй тардомани юзи қаро,*
*Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балоу ваҳшати.*

*Йиғлаб айтур кўзки, йўқ эрди манга ҳам ихтиёр,*
*Ким санга ишқ ўти-ўқ эрмиш азалнинг қисмати.*

*Эй, Навоий, барча ўз узрин деди ўлгунча куй,*
*Ким санга ишқ ўти-ўқ эрмиш азалнинг қисмати.*

# Рубоий

*Гул борди эса чаман муаттар ўлсун,*
*Шамъ ўчти эса қамар мунаввар ўлсун.*
*Шаҳзодаға гар равза муяссар ўлди,*
*Султонға жаҳон мулки муяссар ўлсун.*

# Қитъа

*Бировнинг хуни кўпрак шаҳ қошинда,*
*Ки шаҳнинг бор анга таъзими кўпрак.*
*Эрур шаҳ мажлиси ўт, кимки ўтға*
*Яқинроқ бўлса куймак бийми кўпрак.*



В. КАЙДАЛОВ чизган сурат.

*(Буюк сўз санъаткорига бағишланган материалларни 3-саҳифада ўқийсиз).*

✓ Тақдимот

# Янги нашр

Бугун яна бир нашр дунё юзини кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муассислигида шу йилнинг 1 февралидан чоп этила бошланган “Миллий таълим” — ижтимоий-сиёсий газетаси ижодий ходимлари бугунги ёшлар ҳаёти, билим масканларида уларга яратилган шарт-шароитлар, таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар хусусида ўқувчига мунтазам равишда маълумот бериб боришни ўз олдиларига мақсад қилиб олган. Ушбу нашр ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилиши ўзбек миллий матбуотининг тўхтовсиз ривожланишда эканини кўрсатади.

Газета саҳифаларида “Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Миллий истиқлол ғояси (уни шакллантиришдаги ёндашувлар)”, “Семья и рынок”, “Шараф топган озод фикр” каби бугунги таълим тизимида долзарб ҳисобланган мавзуларни қамраб олувчи қатор мақолаларни ўқиш мумкин. Таниқли журналист И. Хушев бошчилигидаги ижодий гуруҳ фақатгина юқоридагилар билан чегараланиб қолмасдан, “Жавоҳирлар сандиғи”, “Студент — талаба деганими?” каби кўпчиликни қизиқтирган мавзуларда ҳам мақолалар эълон қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим ва ўрта махсус таълим вазири газета жамоасини бу эзгу иш муносабати билан қутлаб, жумладан, бундай ёзади: “Умид қиламизки, янги нашр Президентимиз томонидан келажаги буюк Ўзбекистон учун кўп йилларга мўлжалланган 3 босқичли таълим ислоҳотларини ҳаётга жорий этишда, тенглар ичра тенг Ўзбекистонимиз салоҳиятининг дунёнинг энг ривож топган мамлакатлари билан бўйлашишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади”.

Кўпчилик қатори ушбу нашрнинг озод юрт қаноти сифатида юксакларга парвоз қилишини истаймиз.

**Жамшед ТОҒАЕВ**

«Ҳуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда



2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.

✓ Муносабат

***“Ҳуррият” газетасининг 15 январ кунги сонида чоп этилган журналист Ҳабибулла Олимжоновнинг “Полковникнинг изтироби” мақоласини ўқиб анча вақтгача ўзимга кела олмадим. Менинг бу ҳолатим мақола қаҳрамонини яқиндан танишимга боғлиқ эмас эди.***

# «БИР-БИРИМИЗНИ АВАЙЛАЙЛИК»,

***дейди 88 ёшли журналист «Полковникнинг изтироби» мақоласини ўқиб...***

Мени, узоқ йиллар журналистика нонини еган журналистни, мақоланинг қандай ажойиб усулда ёзилгани, воқеа қанчалар мураккаб бўлмасин, ўқувчига оддийгина қилиб, содда тил билан тушунтириб берилгани ҳайратга солган эди. Мен ҳозирда бетоблигим туфайли тўрт йилдан бери тўшакка михланиб қолган бўлсам-да, вақтли матбуотни мунтазам равишда кузатиб боришга ҳаракат қиламан ва айтишим мумкинки, анчадан бери бундай равон тил билан, маҳорат ила ёзилган мақолани ўқимаган эдим. Албатта, журналист сифатида бир нарсани биламанки, ҳуқуқ соҳасида мақола ёзиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг ўзига яраша масъулияти ва жавобгарлиги бор. Шунинг учун ҳам мақоланинг бу қадар жасурлик билан ёзилгани менинг юрагимни жунбушга келтирди. Мен матбуотимизнинг тириклигига, мана шундай Ҳабибулла укамизга ўхшаган бошқалар учун ёнадиган, адолат тантанаси учун курашга чоғланган, матбуотимизнинг ҳақиқий жонкуярлари, ҳуқуқий саводхон ҳамда жасоратли журналистлар борлигига яна бир бор амин бўлдим.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ адолатни барқарор этиш тўғрисида доимо қайғуриб келмоқдалар. Уларнинг кейинги йиллардаги барча нутқларида бу ғоя, айниқса, қайта-қайта таъкидланмоқда. Жумладан, матбуотимизнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Ҳабибулла Олимжоновнинг мазкур мақоласини ҳам “Ҳуррият” газетасининг Президентимиз даъватига “лаббай” деб берган ўзига хос жавоби сифатида қабул қилиш мумкин.

Шу ўринда айтишим лозимки, мен мақола қаҳрамони, божхона хизмати полковниги Зокиржон Позиловни ҳам жуда яхши танийман. Унинг бошидан ўтган барча кўргиликлардан ҳам хабарим бор. Унинг мустаҳкам иродали инсон эканлиги ва бошига тушган кўргиликлардан эсанкираб қолмаганини биламан. Аксинча, бу инсон озодликни қўмсаб ўтказган қарийб уч йил вақтини бекорга кетказмасдан ажойиб шеърлар ёзиб, озод бўлганидан кейин "Меҳмон бўлди тушимда онам..." номли тўплам ҳолида Зокиржон Фозил тахаллуси билан китобхонларга тақдим этди. Албатта, мен ҳозир ушбу тўпламни таҳлил қилиш фикридан йироқман, аммо икки оғиз мулоҳазаларимни айтмасдан иложим йўқ. Тўплам она билан ўғилнинг дийдорлашувидан бошланган:

***Оқ сочларим тўзғиган,***
***Қадоқ қўллар бошим***
***силайди.***
***Кўзларимга тик***
***боқиб зимдан,***
***Саволига жавоб сўрайди.***
***Эшитилар юрак уриши,***
***Сўзларида мунгли ҳаяжон:***
***— Ўғлим, гапир, бу***
***қандай ҳолат,***
***— Нима бўлди сенга,***
***болажон?***

Бу шеърни тўғри йўлдан адашган такасалтанг йигитчаларга ўқиб берилса эди. Афсуски, бундай бахтиқаролар на газета, на китоб ўқийди. Тўпламда ошкор қилинмаган олижаноб бир ғоя бор. Мухтасар айтганда, у одамларга мурожаат этиб, бир-бирларингни авайланглар, демоқчи. Миллий ҳаёт, оилавий турмуш икир-чикирларини яхши билганидан унинг шеърлари содда ва равон усулда ёзилиб, жуда тушунарли тарзда ўқувчи қалбига кириб боради. Бу шеърлар унинг дардларидан, армонларидан, унинг ҳис-туйғуларидан, қолаверса, унинг кўрган-кечирганларидан яралган бўлиб, уларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этишдан асосий мақсад ҳам қандайдир шон-шуҳратга ёки бирон бир мартабага эга бўлиш эмас, балки инсоннинг ҳаёти давомида Аллоҳнинг иродаси билан унга синов тариқасида юбориладиган кўргиликлар, тақдирнинг зарбалари олдида эсанкирамаслик, озодликнинг нақадар буюк неъмат эканлигини, уни қадрлаш кераклигини айтишдир. Бу фикрлар фақатгина менинг фикрим эмас, бугунги кунда Зокиржонни кўпчилик, хусусан, Фарғонанинг адабиёт мухлислари яхши танийди, шеърларини севиб ўқийди. Тақдирнинг тақозоси билан шоир бўлган Зокиржон адолат тантанасига қатъиқ ишонади. Мен кекса бир журналист сифатида айтишим мумкинки, бугун Фарғона адабиёт аҳли ҳам бу инсоннинг ҳақиқат йўлидаги курашини қўллаб-қувватлайди, бу кураш хайрли якунланиб, унинг бу борадаги барча орзу-умидлари амалга ошишига умидвор бўлиб қоладилар.

Мен ушбу хатимни Зокиржон Фозилнинг яна бир шеъридан олган қуйидаги мисралари билан тугатмоқчиман:

***Хаёлларим, шамол***
***бўлингиз,***
***Юрак, бошла энди ғалаён.***
***Яшин бўлинг, учқур***
***ўйларим,***
***Ҳақсизликка кўтаринг исён.***
***Тинч турмагин,***
***она табиат,***
***Исён кўтар ҳақсизлик***
***бунда,***
***Адолатни қарор***
***топдирсанг,***
***Кўнглим таскин***
***топади шунда...***

Илоҳим, адолат қарор топиб, кўнглинг таскин топсин, Зокиржон ўғлим!

**Воғиз МУЗАФФАРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Мақола билан танишганимизданоқ муаллифга телефон қилгандик. В. Музаффаров 88 ёшли журналист эканини ҳам, айни пайтда 4 йилдан буён дард туфайли тўшакка михланиб, юролмай қолганларини ҳам телефондаги мулоқотдан батафсилроқ билиб олдик.*

*Таҳририятимиз ва муштарийларимиз номидан Воғиз акага катта раҳмат айтдик. Аллоҳдан у кишига шифо тиладик.*

*Энг асосийси, кекса журналистнинг кишилар тақдирига, матбуотимиздаги чиқишларга бефарқ эмаслигидир. Орамизда шундай оқибатли, ориятли, ҳалол инсонлар кўпаяверсин.*

✓ Дараклар

## «КОЛУМБИЯ» ҲАЛОКАТИ

**2003 йилнинг 1 феврали**

Америка Қўшма Штатларининг "Колумбия" номли ҳаво лайнери атмосферага кириш вақтидаги портлаш оқибатида экипаж аъзолари (борт командири Рик Хасбенд (АҚШ), учувчилар — Уильям Маккул (АҚШ), Майкл Андерсон (АҚШ), Дэвид Браун (АҚШ), Калпана Чавла (АҚШ), Лорен Кларк (АҚШ), Илан Рамон (Исроил)) ҳалок бўлишди.



Фожиа Техас штати осмонида содир бўлиб, ҳозирда лайнер парчалари Техасга қўшни бўлган яна тўртта штатлардан топилмоқда. Булар орасида фазогирларнинг шахсий буюмлари, илмий-техникавий ускуналарининг қолдиқларини ҳам учратиш мумкин.

НАСА раҳбариятининг сўнгги хабарларига таяниб айтадиган бўлсак, ҳозирда етти фазогирнинг ҳам жасади топилган ва уларга рамзий ёдгорлик ўрнатилиш арафасида. Раҳбариятнинг масъул ходимлари фазогирларнинг оила аъзоларига ҳамда бошқа яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирар экан, фожиа сабаблари тўла ўрганилишини айтганлар.

## ФАЛОКАТЛАР ХРОНИКАСИ

**1967 йилнинг 27 январи**

Ердаги сўнгги синовлар пайтида АҚШнинг "Аполлон-1" ҳаво кемаси номаълум сабабларга кўра ёниб кетди ва натижада фазогирлар — Вержил Гриссом, Эдвард Уайт ҳамда Ражер Чэффилар ҳалок бўлишди.

**1967 йилнинг 24 апрели**

Собиқ Иттифоқнинг "Союз-1" кемаси Ерга қайтиш вақтида ҳаво қаршилигини енгишда. ёрдам берувчи ҳамда қўнишни таъминловчи парашют арқонларининг чигаллашиб кетиши оқибатида совет фазогири Владимир Комаров вафот этди.

**1971 йилнинг 30 январи**

Собқ Иттифоқнинг "Союз-11" кемаси биринчи совет орбита станциясига қўниш вақтида содир бўлган фалокат оқибатида экипаж командири Георгий Добровольский, борт инженери Владислав Волков ва синовчи инженер Виктор Пацаевлар фожиавий ўлим топишди. Кейинчалик аниқланишича, бу фалокат юз беришининг асосий сабабларидан бири учувчилар кабинасидаги ҳаво босимини мўътадиллаштирувчи мосламанинг ишдан чиққанлиги эди. Фазогирлар орадан 20-30 сония ўтгач, вафот этишган.

**1986 йилнинг 28 январи**

Америка Қўшма Штатларининг "Челленжер" деб ном олган фазо кемаси ўнг двигатели ишламай қолиши натижасида 7 киши вафот этган.

Вафот этганлар орасида америкалик ўқитувчи Шарон Криста Макколиф ҳам бўлиб, бу аёл фазодан туриб ўз ўқувчиларига дарс бермоқни ният қилган эди.

**Интернет хабарлари асосида Нодир ШОҲ тайёрлади**



# Қаю юрт сори бир фармон йибордим, Анинг забтиға бир девон йибордим.

Алишер НАВОИЙ

## Шоҳбайтлар

*Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,*
*Футувват барча қилмакдур, демак йўқ.*

* * *

*Авлиё поясиғадур етмак*
*Топмаса шукру топса базл этмак.*

* * *

*Дунёу уқбо иккиси жамъ ўлмас, эй, рафиқ,*
*Кимки икки кема учини тутар, бўлур ғариқ.*

* * *

*Одами бўлса вафо андин йироқ,*
*Ит вафо бобида андин яхшироқ.*

* * *

*Гуҳар ўлди ҳиммат-у, одам — садаф,*
*Бу садафқа ул гуҳардиндур шараф.*

* * *

*Кимки йўқдур нақддин перояси,*
*Билки, ҳиммат бас дурур сармояси.*

* * *

*Одамиға яхши кўп авсоф эрур,*
*Лек аларнинг ашрафи инсоф эрур.*

* * *

*Барча қушнинг оти булбул бўлмади,*
*То азалдин ишқ аро кул бўлмади.*

* * *

*Ноқис улким, ўзин комил дегай,*
*Комил улким, нуқсин исбот айлагай.*

* * *

*Ўз камолидин демас аҳли камол,*
*Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.*

* * *

*Бўлди ул кўзгу кўнгул, эй, аҳли дил,*
*Ким Ҳақ анда жилва айлар муттасил.*

* * *

*Одам ўлғон зеби зоҳирдин демас,*
*Кимки андин фахр этар — одам эмас.*

## Кўнгил мулкидан

*Сайд айларға жунун аҳлини бор ул икки соч,*
*Ҳар бири неча тугун, ҳар тугун неча қулоч.*

*Туркларнинг қулидурменки, нигоримнинг эрур*
*Қоши туркона, қабоғи кенгу кўзи қиймоч.*

*Сочингу мушк аро бор онча тафовутки, мунунг*
*Кисватидур янги искунда, анинг эски саноч.*

*Ташлабон доғларим малҳами бирла мамуғин*
*Телбадурменки, чопонин солиб ўлғай ёлонғоч.*

*Соқиё, лаъл уза хай кўрубон бехудмен,*
*Майға мамзужи гулоб айлаб, они юзума соч.*

*Луқма огоҳлик ила солик агар айласа нўш,*
*Яхшироқ арпа кўмочики, тағофилда қулоч.*

*Эй, Навоий, тиласанг элдину ўздин махлас,*
*Чиққил ўзлук йўлидин, чуст фано кўйиға қоч!*

* * *

*Эй, кўнгул, душманлар онча макр ила фан қилдилар,*
*Ким вафолиғ дўстни жонимға душман қилдилар.*

*Дуд бошимға чиқар, гўёки ҳижрон тошидин*
*Ёғдуруб ҳар ён бу гунбад узра равшан қилдилар.*

*Бошима жўмида соч эрмаски зоғ айлаб ғулу,*
*Захмлардин тўъма истарға нишиман қилдилар.*

*Ҳажр шомидин осиб гардун қаро қиз бўйниға*
*Субҳ чок айлаб яқо, ҳолимға шеван қилдилар.*

*Янчмиш эрди ишқ ўти хаедек танимдин дарду шавқ,*
*Куйдуруб гўё бу тутруқ бирла равзан қилдилар.*

*Бода тутким, ҳикмат аҳли чарх бемеҳр эрканин*
*Жом даври хатлари бирла мубарҳан қилдилар.*

*Эй, Навоий, Каъба тут, ё дайрким, аҳли жаҳон*
*Журму ғамдин бу икки манзилни маъман қилдилар.*



## ШУНДАЙИН ВАСФ ҚИЛУРЛАР...

"... Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эрмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши "Хамса" жавобида, яна бири "Мантиқ ут-тайр" вазнида "Лисон ут-тайр" отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: "Ғаройиб ус-сиғар", "Наводир уш-шабоб", "Бадоеъ ул-васат", "Фавоид ул-кибар". Яхши рубоиёти ҳам бор...

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай..."

**Мирзо БОБУР**

* * *

*Ҳинду Арабу Ажамда айём*
*Ҳар шоира вермишди бир ком,*
*Ўлмишди Навоий сухандон,*
*Манзури шаҳаншоҳи Хуросон.*

**ФУЗУЛИЙ**

*"Чоркитоб"дан тура қочдим,*
*Навоийдан савод очдим,*
*Фузулийдан дурлар сочдим...*
*Фозилларни излар эдим!*

**БЕРДАҚ**

*Шу буюк ўғлингни*
*ардоқлаб дилдан,*
*Халқим, таъзим*
*этсанг арзигай тамом:*
*Унинг номи билан*
*бирга битилган*
*Дунё дафтарига*
*Ўзбек деган ном!*

**Абдулла ОРИПОВ**

# БУЮК ИЖОДНИНГ ЖОН ТОМИРЛАРИ

Инсон табиати роса қизиқ: адолатсиз киши адолатдан лоф уради, инсоният кушандаси инсонпарварлик байроғи остида гердаяди... Хуллас, кишида нима бўлмаса, у ўзини ва ўзгаларни алдаб, бор деб даъво қилади. Бундай кишини Алишер Навоий "муддаий" деган. Шеъриятдаги бу тимсол, одатда, ошиқлик даъвосидаги булҳавасдир... Демак, муддаий — ноҳақ даъвогардир.

Мен "Навоий ва унинг ижоди ҳақида сўз юритишга маънавий ҳаққи бўлган одам орамизда бормикан?" деб кўп ўйладим. Тўғриси, Навоий ижодини таҳлил қилувчилар кўп. Бироқ бунга маънавий ҳаққим бор дегувчи инсон хаёлида, виждонида "рост гапира олсам, ҳақни айта олсам, элга мендан эслагулик эзгулигим қолса", дея олса...

Мен ҳар бир ўзбекда, унинг қонида зиғирча Навоий бўлишини истайман. Бу демак: инсон ўзи учун эмас, ўзгалар учун ҳам яшаши керак;

бу демак: ўз бахтини ўзгаларни бахтиёр этишда кўра олиши;

бу демак: моддий ва маънавий бойлигини элга сочишни олий бахт деб билиш;

бу демак: ҳар бир ҳузуридаги иккинчи кишини ўзига нисбатан Аллоҳга яқин ва азиз одам деб ўйлаш, унинг ҳурматини ўрнига қўйиш;

бу демак: билишни (илмни) олий бахт деб ишонмоқдир.

**Эмишки, Баҳоуддин Нақшбанд (бу ривоятнинг бир қисми "Лисон ут-тайр"да бор) борлиқдаги ҳамма нарсани ўзларига нисбатан қиёслаб кўришни ёқтирар эканлар. Бир куни кўкдаги қора булутларга боқиб, кўнгилларидан: "Аллоҳ наздида шу қора булутлар афзалмикин ё менми?" деган хаёлни кечирибдилар. Ўша заҳоти тавба-тазарру қилиб ўзларига таъна тошларини ота бошлабдилар: "Ҳой, Баҳоуддин, сенга нима бўлди? Булутлар бутун олам набототи, ҳайвоноти ва одамзотга жон бағишловчи обиҳаёт манбаи-ку! Сендан ким, нима баҳра топмоқда?"**

Сўфий Алишер Навоийнинг ақлидрок эгаси ва моддий бойлик сарватдори бўлган кунидан эътиборан ҳар кеч ўзига айтадиган гапи шу бўлган шекилли. Негаки, бу бадавлат инсон халқ учун яқин бинои хайр бунёд этдики, буларнинг ҳар бирига миллионлаб пули кетган; юзлаб олим, шоир, оддий одамларга моддий кўмак берди: пул сочди, кийинтирди, ҳовли-жой совға қилди... Чунки устозларидан "халойиқ севганни Холиқ севар" деб эшитган, ақлан-фикран бунга амин бўлган эди...

***Кимса юз йил комронлик***
***қилса, билким, арзимас,***
***Бир замон, бир лаҳза***
***бўлмоқлик биров коми била...***

Подшоҳнинг тахтида юз йил айш-ишрат сургани унинг бировни бир лаҳза бахтиёр этганига арзимайди. Яъни шоир мулоҳазасича, ўзгани бир лаҳза бахтиёр этиш савоби юз йиллик шоҳона айш-ишратдан афзалдир. Мана буни инсонпарварлик, инсонпарастлик тушунчаси дейдилар!

***Ваҳки, умрим барча***
***зоеъ бўлди эл коми била,***
***Бодаи ноб ўрнига***
***хуноба ошоми била.***

Мана, Навоий нима билан фахрланмоқда: мен бутун умримни ўзгаларни бахтиёр этиш учун сарфладим. Қизил май ичиш ўрнига қон ютдим.

Ажрсиз, эвазсиз нарса бўлмайди: шунинг учун, бугун Алишер Навоий инсониятнинг энг азиз кишиси сиймосида кўз ўнгимизда тирикдай яшамоқда...

Ҳусайн Бойқародай замон подшоҳи Навоий ҳақида: "Ҳақ гапни айтишга далер (ботир)", дейди.

Менимча, ҳақ гапни айтмайдиган одам, олим Аллоҳни писанд этмайдиган кимсадир.

***Кимки шиор айлади***
***ёлғон демак,***
***Бўлмас ани эру***
***мусулмон демак.***

Навоийнинг бу ахлоқий талабига қай биримиз дош бера оламиз? Ҳолбуки, ҳар биримиз эрлик ва мусулмонлик даъвосидамиз. Инсонмиз, табиатимиз шунақа...

Баҳоуддин Нақшбанд уйда ўтириб, кўзлари кўчадаги итга тушибди. Ва одатларича фикран қиёс бошлабдилар: "Аллоҳ қошида шу ит афзалмикин ёки мен?" Ва шу заҳоти тавба-тазарруга ўтибдилар: "Ие, Баҳоуддин, сенга нима бўлди? Сен ўзингни ит билан қиёсладингми? Ит эгасига вафодорлик билан донг чиқарган. Сен Эгангга итчалик вафодормисан? Йўқ!"

Шоир Навоий, сўфий шоир назарида энг гўзал фазилат вафодир...

***Кимга қилдим бир вафоким,***
***юз жафосин кўрмадим!***
***Кўргузуб юз меҳр минг***
***дарду балосин кўрмадим!***

Кимга мен бир вафо қилган бўлсам ундан юз жафо кўрмадимми?! Юз меҳр-муҳаббат изҳор қилган кишимдан минг дарду бало кўрмадимми?...

Навоий шундай даҳшатли хулосага келдики:

***Эй, Навоий, олам аҳлида***
***мутлақ йўқ вафо!***

Бундай хулосаларга қайта-қайта келса ҳам Навоий — Навоийлигича, ўша ўзи истаган орзубоплик тимсолида қола олди... Ажр, эваз бор, бор, бор...

Ҳазрати Баҳоуддин кўчага чиқиб, ит изларига кўзлари тушибди ва одатдаги қиёсни бошлабдилар: "Аллоҳ наздида шу из қадрлими ёки мен?" Дарҳол тавба-тазарру қилибдилар ва дебдилар: "Эй Баҳоуддин, сен ўзингни итнинг изи билан қиёслагани уялмадинг! Уят сенга! Бу — вафодорнинг изи-я!"

***Юз туман нопок эрдин***
***яхшироқ***
***Пок хотунлар аёғининг изи,***

деган экан Алишер Навоий поклик байроқдори сифатида. Орзубоп тимсоли Фарҳод тимсолида ҳам махсус таъкидлайдики:

***Демонким, кўнгли пок-у***
***ҳам кўзи пок,***
***Тили пок-у, сўзи пок-у,***
***ўзи пок.***

Бу поклик ахлоқий поклик, виждоний поклик демакдир.

Алишер Навоий ҳозирги замон ўзбек кишисининг юзига боқиб айтаётгандай:

***Навосиз улуснинг***
***навобахши бўл,***
***Навоий ёмон бўлса,***
***сен яхши бўл!***

Биринчи мисранинг мазмун талқинлари: Бахтсиз элга бахт бағишловчи бўл. Бечоранинг додига ет...

Одамлараро ва халқлараро муносабатлар ё тотувлик — одамийлик асосига, ё зиддият — келишмовчилик ва душманлик асосига қурилган бўладики, биринчиси кишилар умрини узайтиради, кайфиятини яхшилайди, ҳаётни жаннатга айлантиради; иккинчиси кайфиятни бузади, умрни қисқартиради, ҳаётни дўзахга айлантиради. Бу муаммо ҳар лаҳзалик, ҳар кунлик ва мангуликдир. Алишер Навоий бу масалада бани башарга мурожаат этишни лозим кўради:

***Олам аҳли!***
***Билингизким, иш эмас***
***душманлиғ!***
***Ёр ўлунг бир-бирингизғаким,***
***Эрур ёрлиғ — иш!***

Кишилик икки гуруҳга бўлинади: камтар, камсуқумлар ва мағруру кибру ҳаволилар! Юмшоқтабиат, камтар, ширинсўз одамлар — жаннатийлар. Улар Алишер Навоийнинг **"Мен демоқлик не беҳаёликдур!"** деб огоҳлантирганини бирор лаҳза эсдан чиқармайдилар, бандада — Аллоҳ бандасида "мен"лик йўқлигини биладилар. Улар табиати туфайли жаҳон ўзгаларга кенгдир, доруломондир.

Мағрур ва кибру ҳаволилар эса ўзларича манмансираб, ўзларини одамларнинг аълоси ҳисоблайдилар. Аслида, бу сифат ва хусусият кишини шайтонга яқинлаштиради, холос.

***Кўси шавкат етти***
***дўзахқа эшик қоқмоқдурур,***

дейдилар ҳазрати Алишер Навоий. Бу мисранинг таржимаси:

"Манманлик ноғорасини чалиш етти дўзахнинг ҳаммаси фақат меники" демоқликдир! Киборлар кишиликка жаҳонни торайтирадилар, уни зимистонга айлантирадилар...

Бундан ўттиз беш йил муқаддам мен қадимий шаҳар Самарқандда ҳозирги қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповдан: "Абдуллажон, шоирлик вазифаси нима?" деб сўрагандим. У киши жавоб берди: "Ҳар бир шоир бу саволга ҳар хил жавоб бериши муқаррар. Мен китоб ўқиётган ўқувчимнинг ёқасидан тутиб, кучим етгунча силтай бошлайман ва юзига бақираман: "Одамсан! Ҳой, одамсан!" Менинг вазифам — шу".

Бу жавобдан мен жуда қониқдим. Алишер Навоий ижоди билан танишган киши ана шундай аҳволни бошидан кечиради. Балки шунинг учун ҳам Ўзбекистонда Алишер Навоий асарларини ўқувчилар жуда оздир?

Халқимизнинг асосий қисмидан: "Сиз Навоийни ўқиганмисиз?" деб сўрасангиз, албатта, тасдиқ жавобини оласиз. Бироқ, аниғини суриштирсангиз, улар мактаб дарслигидаги беш-олтита шеъру достонларидан парчалардан бошқа бирор нарсани айта олмайдилар...

Азизлар, барчамизнинг ёқамизга Алишер Навоийнинг силтайдиган қўллари, табаррук қўллари тегишини орзу қиламан...

**Ваҳоб РАҲМОНОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент**

## Дараклар

# МОСКВА НАТОдан НЕГА НОРОЗИ?

Бугунги кунда НАТОнинг Шарқий Европа, айниқса, собиқ Иттифоқ таркибига кирган мамлакатларга қизиқиши ошиб бораётгани сир эмас. Бу ҳолат эса Россияга хуш ёқаётгани йўқ, албатта. 1997 йилга қадар ҳарбий блок таркибида ўн олти давлат — АҚШ, Буюк Британия, Канада, Бельгия, Дания, Франция, Германия, Греция, Исландия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Испания, Португалия, Туркия мавжуд эди. Айни шу йили ташкилотга Чехия, Польша, Венгрия ҳам қўшилди. Бир пайтлар "Варшава шартномаси"нинг асосчиларидан бўлган Польшанинг НАТОга аъзо бўлиши тарих ғилдирагини орқага сурмоқчи бўлаётган айрим сиёсатчилар адашаётганини исбот қилди. Шимолий Атлантика блокининг Шарққа "юриши" бу билан тўхтаб қолгани йўқ. 2002 йили Прагада бўлиб ўтган ташкилотга аъзо мамлакатларнинг саммитида келгуси йилда НАТОга қўшилиши мумкин бўлган давлатлар рўйхати эълон қилинди. Мазкур рўйхатда Болгария, Руминия, Словакия, Словения билан бир қаторда собиқ Иттифоқ таркибига кирган Латвия, Литва, Эстония ҳам бор. Ушбу қарорнинг эълон қилиниши Москва ҳасратига ҳасрат қўшди. Чунки фақатгина илгари социалистик империя таъсирида бўлган Чехия, Польша каби давлатларнинг мудофаа сиёсатини ўзгартириб, НАТОга аъзо бўлиши Кремлни хавотирга солиб қўйган эди. Эндиликда Россия билан бевосита чегарадош бўлган Болтиқбўйи республикаларининг ҳарбий блокка қўшилмоқчи экани, табиийки, Россия ҳукумати вакилларининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Ҳатто Россия коммунистлари етакчиси Г.Зюганов НАТОнинг Шарққа томон кенгайишини 1941 йил яна қайтиб келмоқда, деб баҳолади.

Россия матбуотида НАТОга аъзо бўлиш ниятидаги давлатларнинг суверен республика эканини унутиб қўйган муаллифлар томонидан ёзилган, эски шовинистик сиёсатни ёдга солувчи мақола, суҳбатлар тез-тез эълон қилинмоқда. Ҳадик-хавотирга тўла бундай материалларнинг мунтазам равишда берилаётгани бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, агар номлари юқорида эътироф этилган давлатлар 2004 йили ҳарбий блок сафига қўшилса, Россия ғарбий ва шимолий-ғарбий томондан бутунлай альянсчилар билан чегарадош бўлиб қолиши мумкин. Шу боис Москва ҳеч бўлмаганда Украина, Беларус, Грузияни ҳарбий блок деворининг бу ёғида сақлаб қолмоқчи ва шу орқали Шарққа томон қисиб келаётган НАТО "халқа"сининг бир томонини узиб қўймоқчи.

Россия-НАТО муносабатлари нафақат минтақа, балки бутун дунё хавфсизлигига бевосита таъсир кўрсатади. Сабаби, сўнгги ўн йил давомида тарихнинг оғир синовларига дуч келган бўлса ҳам, Россия сиёсий, ҳарбий ва қисман иқтисодий, соҳадаги лидерлик мавқеини маълум даражада сақлаб қолган, дейиш мумкин. Шу сабаб НАТО бу фаолиятида Кремль қарашларини ҳам ҳисобга олиб иш юритади. 2001 йилнинг февралида Москвада НАТОнинг ахборот ва ҳужжат юритув маркази иш бошлади. Бу воқеани Россия-НАТО муносабатларида оз бўлса-да, олдинга силжиш, деб баҳолаш мумкин. Бирмунча вақт аввал Россиянинг Шимолий Атлантика блокига аъзо бўлиб кириши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ҳам тарқалганди. Бироқ бу ойга пиёда чиқиш каби имконсиз эканини НАТО расмий вакили мазкур масалага ташкилот муносабатини билдиргач, аён бўлганди. Ўшанда ҳарбий блок вакили Россиянинг Альянсга қабул қилинмаслигига сабаб сифатида мамлакат ҳозирча ташкилотнинг демократик талабларга жавоб бермаслиги, федерация ҳузурида — Чеченистонда қуролли ҳаракатлар кечаётгани, Россия чегара масаласида жиддий муаммоларга эга экани, мамлакат блокка қўшилган тақдирда унинг бепоён чегараларини қўриқлаш мажбурияти ташкилот аъзоларига маъқул келмаслиги каби омилларни келтирган эди.

Авваллари икки кўчқорнинг калласи бир қозонда қайнамас эди. Ҳозир эса халқаро сиёсий вазият ҳар сония ўзгариб турибди, замон шиддати дунё давлатларидан уюшган ҳаракатларни талаб қилмоқда. Бугун минтақа ва халқаро тинчликка таҳдид солаётган жиддий омиллар борки, булар сабабидан бир қозонда икки кўчқорнинг эмас, ундан-да кўпроғининг ҳам "калласи қайнаши" мумкин. Шу боис дунёда гегемонлик даъво қилаётган барча давлатлар ҳам бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиб иш кўрадилар. Жумладан, Москва ҳам НАТО хатти-ҳаракатларидан ҳар қанча ғазабга минмасин, ташкилот билан қўл учида бўлса-да, муомала қилишга мажбур. Бутун Ғарбий Европа мамлакатлари бирлаштирилса, Россия ҳудудининг ярмича чиқади, холос. Бироқ иқтисодий, сиёсий, шу жумладан, ҳарбий соҳалар бўйича Ғарб давлатлари Россиядан анча илгарилаб кетишган. Гап ҳарбий соҳа ҳақида борар экан, Россия ва НАТОнинг мудофаа қобилиятини қиёслаб кўрайлик. Шимолий Атлантика ҳарбий блоки бўлинмаларида 3699510 ҳарбий хизматчи (ундан 1367000 киши АҚШга тегишли) фаолият юритади. Россия Қуролли кучлари миқдори эса 1100000 кишини ташкил этади. НАТО ҳарбий жанговар техника борасида ҳам устун мавқеда. Ташкилот ўз фаолиятида 23654 танк, 27744 ҳарбий самолёт ва вертолётлардан фойдаланади. Россия эса бундан ўн бир йил аввал имзоланган Тошкент битимига мувофиқ 4500 танк, 3450 ҳарбий самолёт ва 890 тагача вертолётга эга бўлиши мумкин. Альянс флотида 17 авианосец (ҳарбий кема), 27 атом крейсери (тез юрар ҳарбий кема) мавжуд. Рус қуролли кучлари эса битта атом крейсери ("Буюк Пётр" деб номланади) ва битта авианосец ("Адмирал Горшков")га эгалик қилади, холос. ("АиФ" №48, 2002 й.) Бу шароитда, табиийки, Россия НАТО блокига ёлғиз рақобат қила олмаслигини тушунди ва ўзига иттифоқчи қидирди. Ҳозирги шароитда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам геостратегик жиҳатдан Москвага иттифоқчи бўлиши мумкин бўлган биринчи ва энг сўнгги номзод — Хитой. Шу сабаб Москва Пекин билан иқтисодий, ҳарбий ҳамкорликни кучайтиришга эътибор бермоқда. Сўнгги пайтларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий 5 аъзосидан бири бўлган Хитой дунё гигантлари сафига дадил кириб бормоқда. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Россия иштирок этаётган Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги ташкилоти мақсад ва фаолият йўналиши нуқтаи назаридан НАТОга қарама-қарши қутбни ёдга солади.

Гарчи НАТОнинг Афғонистон, Югославия (Косова)даги миссиялари муваффақиятли чиқмаган бўлса ҳам, ташкилотга нафақат Европа, бошқа қитъа вакиллари ҳам ишонч билдиришмоқда. НАТО "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури бўйича 6 давлат билан ҳамкорлик муносабатларини олиб бормоқда. Ташкилот собиқ Иттифоқ давлатлари, хусусан, Марказий Осиё республикаларига катта эътибор қаратмоқда. Ҳақиқатан ҳам, халқаро терроризмга қарши кураш, минтақада барқарор вазиятни сақлаб қолиш ва мудофаа қобилиятини оширишда НАТО ёрдами Марказий Осиё давлатларига қўл келиши мумкин. Европанинг энг кучли ҳарбий ташкилоти саналган НАТО молиявий маблағларининг деярли ярмидан кўпроғи АҚШ бюджетидан ажратилади, ҳарбий хизматчиларнинг 1/3 фоизини Америка фуқаролари ташкил этади. Шу сабаб НАТО аксарият ҳолларда Вашингтон етовида юради, унинг йўриғидан ташқарига чиқолмайди. Бошқача айтганда, АҚШ ҳарбий ҳаракатларни Европа байроғи остида олиб боради. Оқ уй Европада хавфсизликни сақлаш орқали минтақадаги ўз манфаатларини сақлаб қолади. Бу фикрларни Қўшма Штатларнинг собиқ президенти Жимми Картер даврида президентнинг хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиб фаолият юритган Збигнев Бжезинский ҳам таъкидлаб ўтади: "Европа сарҳадларининг ҳар бир кенгайиши бу АҚШнинг таъсир доирасини тўғридан-тўғри кенгайтиради. Ва, аксинча, трансатлантик алоқаларнинг (яъни НАТО алоқалари) мустаҳкамлигига путур етса, АҚШнинг Евроосиёдаги устунлиги ўз-ўзидан йўқолади".

Шу тариқа НАТО деярли Европани эгаллаб бўлди. Ҳозирча Швейцария, Австрия, Швеция, Финляндия каби мамлакатлар ташкилотга аъзо бўлиш ниятида эмас. 2005 йилдан сўнг, илгари Югославия Иттифоқи таркибига кирган Хорватия, Македония ва Албания ҳам ҳарбий блокка қўшилмоқчи. Бу эса Европанинг муваффақиятли кечаётган иқтисодий интеграцияси ҳарбий жабҳада ҳам давом этаётганидан далолатдир.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

GLOBUS
international life

## ПОКИСТОН РОССИЯ БИЛАН ЯҚИНЛАШМОҚЧИ



Сешанба куни Покистон Президенти Парвез Мушарраф уч кунлик ташриф билан Москвага келди. Бу Покистон раҳбарининг кейинги 30 йил ичида Россияга илк ташрифидир.

Ушбу учрашув ҳақида ўтган йил июн ойида Алматида Осиёда ўзаро ишончни мустаҳкамлаш бўйича ўтган учрашувда келишиб олинган эди. Ўшанда Деҳли билан Исломобод Кашмир муаммоси юзасидан қарийб уруш ҳолатига келиб қолган эдилар.

Бу галги ташриф АҚШ Ироққа нисбатан ҳарбий куч ишлатишга уринаётган ва ислом давлатларининг позицияси воқеалар ривожига сезиларли таъсир этиши мумкин бўлган бир вазиятда ўтмоқда.

Учрашувларда энергетика, металлургия, телекоммуникация ва аэрокосмик соҳаларда икки томонлама алоқаларни юксалтиришга алоҳида аҳамият берилиши кутилмоқда.

### МИСР ДИПЛОМАТИЯСИ:
# КЕЧА ВА БУГУН

Яқинда Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг олимлари Б.Ғиёсов, Э.Ҳасановларнинг Миср дипломатияси ҳақида ёзган китоби нашрдан чиқди.

Асарни ўқиган китобхон Миср дипломатиясининг босиб ўтган йўли, эришган ютуқлари билан мукаммал танишиш имкониятига эга бўлади.



Миср дипломатиясининг Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатлардаги асосий вазифаси, аввало, бу мамлакатлар билан иқтисодий-сиёсий алоқаларини мустаҳкамлаш, Мисрнинг иқтисодий ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга қаратилган.

Муаллифлар Миср — Америка муносабатлари ҳақида фикр юритар эканлар, бу йўналишда Миср дипломатиясининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга муваффақ бўлишган.

Миср дипломатиясининг ютуқлари халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди. Шунинг учун бўлса керак, Мисрнинг кўзга кўринган дипломати Бутрос Бутрос Ғолий БМТ Бош котиби лавозимига сайланди.

Китоб муаллифларининг таҳсинга арзийдиган ютуқларидан бири Мисрнинг Яқин Шарқ дипломатиясида тутган ўрни, моҳияти ва хусусиятларини аниқ кўрсатиб беришга эришганликларидадир.

Дарҳақиқат, бу қийин иш. Фаластин муаммоси ҳанузгача ўз ечимини тўла-тўкис топгани йўқ. Шу кунларда бу минтақада сиёсий вазиятнинг кескинлашиб бориши жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.

Миср Яқин Шарқ муаммосини адолатли, минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этишни талаб қилмоқда.

Китобда Мисрнинг Россия, Хитой ва Япония билан бўлган дипломатия алоқалари, иқтисодий ҳамкорлиги етарли даражада ўз аксини топган.

Муаллифлар Миср-Ўзбекистон муносабатларига алоҳида эътибор беришган. Улар Миср-Ўзбекистон муносабатларининг ривожланишидан ҳар икки томоннинг манфаатдор эканлигини кўрсатиб берувчи тарихий, иқтисодий, илмий-маданий, маънавий ва диний омилларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этишган.

Дарҳақиқат, Миср-Ўзбекистон муносабатлари қадимий тарихга эга.

Ўзбекистон ўз истиқлолини қайта қўлга олгандан сўнг Миср — Ўзбекистон муносабатларида бутунлай янги давр бошланди.

1992 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.

Президент Ислом Каримов 1992 йилда Мисрга қилган расмий сафари чоғида 12 та ҳукуматлараро битим имзоланди.

Ҳозирги вақтда Миср дипломатияси жиддий ютуқларга эришди. Бирор-бир масала йўқки, у Африка қитъасида ёки араб ва мусулмонлар дунёсида бўлсин, Мисрнинг иштирокисиз ҳал бўлмайди.

Китоб муаллифлари Президент Ҳусни Муборакнинг сиёсий портрети, дипломатик тажрибасини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилишган.

Миср дипломатиясининг турли қирраларини очиб беришга бағишланган бу асар кенг илмий жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинади, деб умид қиламиз.

**М. НИШОНОВ,**
**профессор.**

